

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРДИБОЕВ БОЗОР ХУДОЙБЕРДИЕВИЧ

**ИЖТИМОЙ-ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ БИЛИШНИНГ
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)
on philosophical sciences**

Турдибоев Бозор Худойбердиевич

Ижтимоий-тарихий жараёнларни билишнинг методологик асослари 3

Турдибоев Бозор Худойбердиевич

Методологические основы знания социально-исторических процессов 23

Turdiboev Bozor Hudoyberdievich

Methodological foundations of knowledge of socio-historical processes 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРДИБОЕВ БОЗОР ХУДОЙБЕРДИЕВИЧ

**ИЖТИМОЙ-ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ БИЛИШНИНГ
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Fal67 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (Резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.samdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Яхшиликков Жўрабой Яхшиликкович**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Негматова Шаҳзода Шухратовна**
фалсафа фанлари доктори, доцент
Абдуҳолиқов Сафар Окназарович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz. Самарқанд давлат университети, Бош бино, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ ____ - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366)239-13-87, 239-11-40; факс: (0366)239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____даги _____-рақамли реестр баённомаси).

С.К.Каримов,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, доцент

Х.А.Джуракулов,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD)

С.А.Чориев,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг кескинлашуви муайян геосиёсий кучлар томонидан бутун олам бўйлаб ахлоқсизлик рецидивларини ёйишга, қадимдан яшаб келаётган олижаноб анъаналарни таҳқирлашга, тарихни сохталаштириб ворисийликка рахна солишга бўлган уринишларни ҳам кучайтирмоқда. Бу эса бутун дунёда кўпчиликни ташкил қиладиган етакчи тоифа бўлган ёшларда ижтимоий-тарихий жараёнларнинг асл моҳиятини тўғри англаш каби билим ва кўникмаларни шакллантириш қанчалик даражада муҳим эканлигини намоён қилмоқда. Шу нуқтаи назардан, ёшларнинг ўз миллати ўтмишини, тарихини, аجدодларининг меҳнати, қаҳрамонлиги, миллий маънавият ва маданиятининг умуминсоний жиҳатларини билишларида янгича ёндашувларга жиддий эътибор қаратиш кераклигини кўрсатмоқда.

Жаҳон фалсафий тафаккури тараққиётида ижтимоий-тарихий жараёнларни билишнинг методологик асосларини илмий-назарий ва амалий-фундаментал тадқиқотлар асосида тадқиқ қилиш борган сари кучайиб бормоқда. Айниқса, миллий идентификацияни ривожлантиришда ижтимоий-тарихий жараёнларни билишнинг устувор жиҳатларини аниқлаш, ёшларнинг тарихий ҳақиқатларни англашига доир янги парадигмал ёндашувларни ишлаб чиқиш, миллий тарихий тараққиётни эвристик нуқтаи назардан тадқиқ этиш каби бир қатор инновацион ёндашувлар муҳим илмий аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ижтимоий-тарихий жараёнларни объектив таҳлил қилиш ва феноменал тарихий билимлар орқали ёш авлодни тарбиялаш юзасидан илмий изланишлар олиб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда ижтимоий-тарихий жараёнларни билишни тўғри йўналтириш орқалигина баркамол авлодни тарбиялаш мумкинлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда, айниқса, буюк аجدодларимизнинг ишлари ва жасоратларини қайтадан жонлантириб, янги тарихий тафаккурни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. "...тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир"¹. Шу жиҳатдан олганда, бугунги кунда ижтимоий-тарихий жараёнларни аҳоли, айниқса, ёшлар онгига трансформациялашнинг методологик ва концептуал асосларини, қонуният ва механизмларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш объектив заруратга айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 19 майдаги "Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан

¹ Мирзиёев Ш.М. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик. Ислон ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи. – 2016. – 19 октябрь. № 206 (6641).

дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5046-сон, 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сон фармонлари ва 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сон қарори ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ижтимоий-тарихий жараёнларни билишнинг методологик асослари ҳақидаги мулоҳазалар ўзининг дастлабки илмий-амалий кўринишида Платон, Аристотель, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудий каби Шарқ ва Ғарбнинг буюк мутафаккирлари асарларида ўзига хос талқин этилганини кўриш мумкин.

Ҳозирги глобаллашув шароитида ижтимоий-тарихий жараёнларни билиш муаммоларини ёритиб берувчи тадқиқотлар хориж олимларидан К.Поппер, Ф.А.Хайек ва бошқалар, МДХ тадқиқотчиларидан Л.М.Лопатин, Р.В.Петропавловский, В.Ж.Келле¹, М.Ширманова, Ю.Либиг, В.Н.Сиров², О.Сгибнева, А.Самиев, А.Панюков, О.Лосева, Р.Каменская, В.Утенков, М.Горшков, В.Фролов кабилар томонидан олиб борилган.

Республикамизда ижтимоий-тарихий жараёнларни билишнинг методологик асосларини ўрганиш, уни тарих фалсафаси ва қадриятлари билан боғлиқ назарий-амалий масалаларни тадқиқ этишда Н.Жўраев³, У.Идиоров, Т.Файзуллаев, С.Каримов, Ш.Пахрутдинов, Қ.Назаров, Ш.Имомназаров, Б.Убайдуллаев, М.Нурматова, Р.Убайдуллаева, Ж.Яхшиликков, Х.Ф.Ҳайдаров⁴, Ж.Туленов, Г.Никитченко, Д.Ғуломова, Р.Раҳманов, Д.Абдуллажанова, Қ.Шоназаров ва бошқа шу каби олимларнинг асарлари муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Бироқ бугунги кундаги мавжуд илмий адабиётлар ва изланишлар таҳлили ижтимоий-тарихий жараёнларни билишнинг методологик асослари мустақил тадқиқот объекти сифатида алоҳида олинган ҳолда ўрганилмаганини кўрсатади. Бу тадқиқот мавзуини илмий ўрганиш объекти сифатида танлаб олинишига сабаб бўлди.

¹ Келле. В.Ж. Теория и история. (Проблемы теории исторического процесса). – М.: «Политиздат», 1981.

² Сиров В.Н. Способы концептуализации всемирной истории и их эволюция. Автореф. дисс. канд. филос. наук. – Томск: 1989.

³ Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: «Маънавият», 2008.

⁴ Ҳайдаров Х.Ф. Исторический закон в структуре социального познания и управления. – Т.: «Фан», 1994. – 225 с.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2016-2020 йилларга мўлжалланган И-2015-1-27-сон “Ўзбекистон жанубий ҳудудларида маданий ва амалий санъат ёдгорликлари тарихи” номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда ижтимоий-тарихий жараёнларни билиш методологиясини такомиллаштиришнинг фалсафий жиҳатларини ўрганиш ва ёшлар тарбиясида фойдаланиш бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ижтимоий-тарихий жараёнларни билишда фалсафий тафаккурнинг ривожланиш эволюциясини таҳлил қилиш;

тарихий жараёнларни ижтимоий-фалсафий билиш ижтимоий воқеликни тушуниш ва фалсафий дунёқарашларнинг шаклланишига боғлиқлиги қонуниятини тадқиқ этиш;

тарихий жараёнларнинг корреляцион-функционал заминларига доир ижтимоий-маданий механизмларини ишлаб чиқиш ва кўрсаткичлар индикаторини аниқлаш ҳамда илмий асослаш;

тарихий жараёнларнинг корреляцион-функционал ва субстанционал асосларининг ўзаро муносабатларига доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда ижтимоий-тарихий билиш эволюцияси олинган.

Тадқиқотнинг предмети интеграл ўлчовдаги ижтимоий-тарихий жараёнларни билишнинг тузилиши ва унинг концептуал асосларини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг объективлик, тизимлилик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, таҳлил ва синтез, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ижтимоий-тарихий жараёнларнинг ижтимоий воқеликни тушуниш ва дунёқарашга боғлиқлиги қонуниятини асосларини тизимли равишда таснифлаш орқали унинг тарихий-фалсафий парадигмасини такомиллаштириш мумкинлиги аниқланган;

Ўзбекистонда ижтимоий-тарихий жараёнларни билишнинг субстанционал асослари (миллий ўзликни англаш, миллат ўтмиши, аждодлар меҳнати, қаҳрамонлиги, миллий маънавияти) жамият тараққиётини белгилаб берувчи омил эканлиги ворисийлик тамойили воситасида ижтимоий-фалсафий асосланган;

тарихий жараёнларни билишнинг корреляцион-функционал механизмлари (ўзгарувчанлик, мослашувчанлик) фалсафанинг миқдор ва сифат ўзгаришлар категорияси воситасида такомиллаштирилган;

фалсафий парадигмаларнинг ижтимоий-тарихий жараёнларни билишдаги тизимлаштирувчи ва яхлитловчи потенциал имкониятлари ўзаро диалектик алоқадорлик категориялари (имконият ва воқелик) контекстида асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ижтимоий-тарихий яхлитлик ва тарихий жараёнларни аниқлашда ижтимоий-фалсафий билишнинг устуворлик ва алоқадорлик қонуниятларини такомиллаштириш бўйича амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

корреляцион-функционал қонунлар ижтимоий-тарихий яхлитлик ва тарихий жараёнларнинг биринчи тартибдаги манбаи сифатида, субстанционал қонунлар эса унинг иккинчи тартибдаги манбаи сифатидаги моҳиятини очиб берувчи илмий хулосалар ишлаб чиқилган;

республикамизда мавжуд бўлган ижтимоий фалсафага оид дарслик, ўқув қўлланмаларда ижтимоий-тарихий яхлитлик ва тарихий жараёнлар ҳамда уларнинг намоён бўлиш шаклларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги республика, халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ижтимоий-тарихий жараёнларни билишдаги методологик асосларининг самарали механизмлари ишлаб чиқилганлиги ва ижтимоий-тарихий жараёнларни билишнинг методологик асосларини такомиллаштириш борасидаги фалсафий концепцияларни тадқиқ этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишда ўз аксини топган назарий хулосалар ва умумлашмалар, амалий таклиф-тавсиялар ижтимоий-тарихий жараёнларни билишнинг методологик асосларини такомиллаштиришга ва олий ўқув юртларида “Фалсафа”, “Ижтимоий фалсафа”, “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар”, ”Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти”, “Тарих фалсафаси” каби фанлар бўйича ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ижтимоий-тарихий жараёнларни билишнинг методологик асосларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

ижтимоий-тарихий жараёнларни фалсафий билишнинг ижтимоий воқеликни тушуниш ва дунёқарашга боғлиқлиги қонуниятининг эпистемологик асосларига оид конструктив ғояларидан, илмий асосланган таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган

“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг 2019 йил 6 ноябрдаги 10/1-788-сон маълумотномаси). Натижада, республикада ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва қабул қилинаётган қонунларнинг амалий аҳамиятини янада самарали бўлишига хизмат қилган;

Ўзбекистонда ижтимоий тарихий жараёнларни билишнинг субстанционал асослари такомиллашувининг жамият тараққиётидаги ўрни асосланганлигига оид илмий хулосаларидан Жиззах вилояти “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг “Ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда ижтимоий шерикликни кучайтиришнинг инновацион йўллари жорий этиш” номли 55-11/78 рақамли амалий грант лойиҳасидаги “Вилоятда аҳолининг ижтимоий муаммоларини ўрганиш ва тегишли хулосалар бериш борасида жойларда фуқаролар ўртасида социологик тадқиқот ўтказиш” деб номланган 8-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Жиззах вилояти “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг 2019 йил 7 ноябрдаги 30-сон маълумотномаси). Натижада бу ижтимоий барқарорлик ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш, турли соҳаларни инновацион ривожлантиришда алоҳида аҳамият бериш керак бўлган вазифаларни белгилаб олишга хизмат қилган;

тарихий жараёнларни билишнинг корреляцион-функционал боғланишлари ва уни самарали такомиллаштириш механизмларига оид амалий-назарий таклиф-тавсияларидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2019 йил март ва апрель ойларида республика миқёсида ўтказилган “Комплекс социологик тадқиқотлар” дастури лойиҳасини, шунингдек, “Жамоатчилик тўғрисидаги қонун”нинг 4-моддаси ва 11-моддаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2019 йил 5 ноябрдаги 01/843-сон маълумотномаси). Натижада бу республикадаги фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтлари фаолиятининг самарадорлигига ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда уларнинг ечимини топишга самарали хизмат қилган;

фалсафий парадигмаларнинг ижтимоий-тарихий жараёнларни билишдаги потенциал имкониятлари ва стратегик вазифалари борасидаги илмий хулосаларидан Жиззах вилояти “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг “Ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда ижтимоий шерикликни кучайтириш-нинг инновацион йўллари жорий этиш” номли 55-11/78 рақамли амалий грант лойиҳасидаги “Ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш ва аҳоли ижтимоий муаммоларини ҳал этиш борасида тадқиқот олиб бориш” деб номланган 1-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Жиззах вилояти “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг 2019 йил 7 ноябрдаги

30-сон маълумотномаси). Бу эмпирик тадқиқотларни умумлаштиришда ҳамда мавзу билан боғлиқ ахборот таҳлилий материалларни тайёрлаш жараёнларида мақсадли фойдаланишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан, 10 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола (хусусан, 3 та республика ва 1 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот матнининг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Тарихий жараёнларни ижтимоий-фалсафий билишнинг ўзига хос хусусиятлари”** деб номланган. Ушбу бобда тарихий жараёнларни ижтимоий-фалсафий билишнинг маъно-мазмуни ва устувор йўналишларининг ўрин алмашинувиغا доир фалсафий қарашлар, тарихий жараёнларни ижтимоий-фалсафий билишнинг ижтимоий воқеликни тушуниш ва дунёқарашларга боғлиқлиги қонуниятлари ҳамда ижтимоий-тарихий жараёнларни билишнинг замонавий парадигмалари илмий нуқтаи-назардан очиб берилган.

Тарих – бу ўз қонунларига эга, ўз илдизи, зарурий ва абадий хусусиятларини акс эттирувчи билимлар тизимдир. Тарихий жараёнларни ижтимоий-фалсафий билишнинг мазмунига турли-туман фактлар, воқеалар ва одамларнинг ҳаракатлари кириши мумкин, уларнинг таҳлилида эса мавжудлашган назариялар қатнашиши ҳам кузатилади. Шу боисдан ҳам фалсафа ҳатто ўзининг вазифасини абадий, ўзгармас моҳиятларни билиш билан чекланган даврларида ҳам тарихий ҳодисалар дунёсидаги барча мавжудликлар ўткинчи ва ўзгарувчан эканлигини инкор қилмаган эди. Бироқ универсал тарихийликни тан олинishi дунёдаги барча мавжудликлар қайтмас ўзгаришларни бошидан кечиради, у пайдо бўлади ва йўқ бўлади, яъни у чекланган, деган фактни фақат қайд қилиш эмас, унинг моҳияти янада чуқурроқ англаш имкон беради. Муаллиф фикрича, айнан ижтимоий-тарихий

билишнинг қарор топиши бу қайтмас ўзгартиришлар тасодифий ва иккинчи даражали ҳодисалар билан чекланмайди, балки реалликни ўлчашнинг барча асосий ўлчамликларини қамраб олади, яъни, бошқача айтганда, ижтимоий ҳаётнинг қонунлари тарихий ва унинг қонуний анъаналари ҳам тарихий ўзгаришларни қамраб олади.

Ижтимоий-тарихий билиш – ўтмиш ҳақидаги, ҳозир мавжуд бўлмаган нарсалар ҳақидаги қарашлар тизимидир. Тарих унда пайдо бўлиб, мавжуд бўладиган барча нарсаларнинг билиш усулидир. Тарихий билишнинг ўзига хос жиҳатлари барча даврларда ҳам аксарият олим ва файласуфларни қизиқтириб келган. Жумладан, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний ва Абу Али Ибн Синолар бу масалага алоҳида эътибор қаратганлар¹. Масалан, Абу Наср Форобий тарихни ёритишда ўзига хос назарий ва амалий тажрибага таянган. Жумладан, у тарихни ёритишга юнон олимлар сингари стихияли нуқтаи-назардан ёндашмаган. Бунда у кўпроқ тарихий воқеликни объектив тадқиқ қилишга алоҳида эътибор берган. Абу Райҳон Беруний ҳам тарихни англашни ўзига хос усул ва услубларини ишлаб чиқиб у ўзининг тарихий билиш услубини қуруқ асосга қурмаганини ўз асарлари орқали исботлаб беради. Ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон” асарларини ёзишда таққослаш ва солиштириш билан тарихий тараққиётни олдиндан айтиб беришга, тарихни билиш услубини ишлаб чиқишга ҳаракат қилган. Абу Али Ибн Сино эса тарихий билиш услубида мантикий тафаккур, анализ ва умумлаштиришни ролига махсус эътибор қаратган. Шунингдек, у ўзининг тарихий билиш услубида кузатиш, таққослаш, турли маълумотларни ёнма-ён қўйишга, фикрларни бошқариш каби фикрларига қиёслаш бу ҳақиқатни аниқлашга олиб келади, деб ишонган. Умуман олганда, бу алломаларнинг тарихий билиш методи ўзининг далилларга бойлиги, мукамаллиги ва фалсификациядан мутлоқ холи эканлиги билан ҳам алоҳида ажралиб турган. Ўз навбатида улар фойдаланган эмпирик тадқиқот усуллари ҳам тарихий воқеликни ҳолисона ёритиб беришда муҳим методологик аҳамият касб этган. Шу маънода бу алломаларнинг тарихий билиш методлари нафақат ўз даври учун балки, ҳозирда ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмаган.

Тарихий билиш Гегель фикрига кўра, қуруқ натижа эмас, балки натижа ўзининг вужудга келиш жараёни, яъни предметнинг бутун тарихи билан бирга «ҳақиқий яхлитлик» ҳисобланади. Кейинчалик эса бу ёндашувнинг эътиборли жиҳатлари ижтимоий-маданий жиҳатдан Н.Я.Данилевский томонидан ўрганилган бўлса, маданиятшунослик нуқтаи-назаридан О.Шпенглер қарашларида янада ривожлантирилган. Цивилизация тушунчаси одамларнинг ҳамжамиятлари орасида тил фарқликлари бўлишини тақозо қилади. Бу маънода Шпенглернинг ҳар бир маданият (цивилизация) нинг ўз «жони» («руҳи») бор деган гаплари унда бегона (ножинс) ҳодисаларнинг қиришига йўл қўймайди. Тарихнинг ўзига хослигини излаш ҳаёт

¹ Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Ф.Фулум нашриёти, 1993. – Б. 160. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, 1-жилд. – Т.: Фан, 1968. – 486 б. Ибн Сино. Избр. филос. произведения. – М.: Наука, 1980. – 478 б.

фалсафасида бошқа муаммовий ифода касб этди. Унинг нуқтаи-назарига кўра, тарихнинг моҳияти тўғрисида фикр юргизишдан аввал тарихнинг мавжудлик усули тарзидаги ўзига хослигини билиб олиш керак. Бошқача сўз билан айтганда, тарихнинг моҳияти мавжудлиги ҳақидаги саволга жавоб бериш зарур ва шу билан инсонлар тарихий ҳаётини равшанлаштириш керак. Ҳаёт фалсафаси тарихий ҳаётни инсон мавжудлигининг бир бутунлик хоссасига эга бўлган усули деб таърифлади. Ижтимоий-тарихий билиш предмети радикал ўзгаришга дуч келади. Тарихнинг мавҳум моҳияти одамлар ҳаётининг конкрет усулига айланди ва уни ўрганиш методларини ҳам, билиш жараёнининг структурасининг ўзгаришини ҳам талаб қилди. Янгиланган тарих фалсафаси энг мураккаб вазифани: ҳамма вақт татқиқотчи эътиборидан чиқиб қолаётган ижтимоий-тарихий ҳаёт жараёнининг асл маъносини топишни қўйди. Инсон тарих яратувчиси, субъекти ҳисобланади, у ўз тарихий мавжудлигининг зарур шарт-шароитлари ва асосларини ўзи яратади. Ижтимоий-тарихий билиш объекти одамлар томонидан нафақат ўрганилади, балки яратилади ҳам, демак, объектга айланишдан олдин у яратилиши, шакллантирилиши лозим.

«Ижтимоий билиш» термини тор маънода ижтимоий билишни, яъни жамиятни билишдир. «Ижтимоий билиш» («социальное познание») атамаси фалсафий онтологияда борлиқни табиий ва ижтимоий борлиқларга бўлишга нисбатан келиб чиққан бўлиб, уни табиий-илмий билишга нисбатан ишлатиш мумкин. Чунки «табиий борлиқ» сўзига нисбатан «ижтимоий борлиқ» сўзи, «табиат» сўзига нисбатан «жамият» сўзлари ишлатилади. «Ижтимоий билиш» сўзини қатор адабиётларда, жумладан, Ж.Туленов ва Х.Ф.Ҳайдаровнинг асарларида ҳам учратиш мумкин.¹ «Тарихий билиш» сўзи асосан жамият тарихини ифодалаш учун ишлатилиб келинди.² Ҳолбуки, ҳар бир соҳанинг ёки тадқиқ қилинаётган объектнинг ҳам ўз тарихи бор. Масалан, ахлоқшунослик тарихи, дин тарихи ёки зоология тарихи ва бошқалар. Шунинг учун ҳар бир соҳа ёки объектнинг тарихи ўз номи билан аталганлиги сабабли жамият тарихини билишни «тарихий билиш» деб эмас, балки «ижтимоий - тарихий билиш» деб аташ тушунмовчиликлардан сақлайди.

Воқелик, жумладан, ижтимоий воқелик хилма-хил кўринишлардадир. Шунга мувофиқ, ижтимоий онг шакллари ҳам хилма-хилдир. Жумладан, ахлоқий онг, эстетик онг, бадиий онг, табиий-илмий онг, иқтисодий онг, ҳуқуқий онг, сиёсий онг, фалсафий, жумладан, ижтимоий-фалсафий онг, бир бутун ижтимоий онгнинг алоҳида шакллари дир. Улар негизида дунёқарашлар шаклланади. Диний-мифологик, диний ва фалсафий дунёқарашлар ва уларнинг турлари бунинг ёрқин кўринишларидир. Шунингдек, уларнинг ҳам ўз тарихий шаклланиш, ривожланиш ва амал қилиш тарихи бор. Айни вақтда, бу ижтимоий онг шаклларининг ўзаро

¹ Қаранг: Туленов Ж.Т. Ҳаёт фалсафаси. – Т.: «Ўзбекистон», 1993. – 319 б.; Ҳайдаров Х.Ф. Исторический закон в структуре социального познания и управления. – Т.: «Фан», 1994. – 225 с. ва бошқалар.

² Қаранг: Шаповалов В.Ф. Основы философии. От классики к современности. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2001. – С.505.

интеграцион жихатлари ҳам бор. Масалан, диний-мифологик онг қатор ижтимоий онгларнинг интеграциясидан келиб чиқади. Айни вақтда, ижтимоий онг шаклларининг воқеликка нисбатан ҳам, бир-бирларига нисбатан ҳам илгарилаб кетиши ва орқада қолиши, шунингдек, нисбий мустақиллик ҳолатлари ҳам мавжуд. Бу ижтимоий онг шакллари ва уларнинг ижодий характери – ижтимоий билиш шаклларининг нисбий мустақиллигини ифодалайди. Ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни билиш ижтимоий-фалсафий ва тарихий онгларнинг уйғунлашувини тақозо этади. Агар ижтимоий - фалсафий онг ва билишнинг мантиғида умумлаштириш синтези жамиятнинг умумий томон ва алоқадорликлари синтези устувор бўлса, тарихий онгда эса тарихийлик таҳлили – анализига асосий урғу берилади. Аммо ижтимоий-фалсафий, жумладан, аҳамиятлилик нуқтаи назаридан қадриятли ёндашиш, даврлаштириш нуқтаи назаридан формацион ва цивилизацион ёндашишлар тарихий фактларсиз ва таҳлилларсиз илмийликка олиб бормади. Яна шуни таъкидлаш керакки, ижтимоий-фалсафий билиш, ҳуқуқий билиш, ахлоқий билиш, сиёсий билиш, эстетик билиш, иқтисодий билишлар ижтимоий билишнинг турли кўринишлари бўлиб, бунда ижтимоий-фалсафий билиш жамиятнинг умумий томонлари ва алоқадорликларини ўрганганлиги учун ижтимоий билишнинг бошқа турларига нисбатан умумийлиги ва демакки, методологик аҳамиятлилиги-устуворликлари билан фарқ қилиб туради.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Тарихий жараёнларнинг корреляцион-функционал ва субстанционал заминлари”** деб номланган бўлиб, унда тарихий жараёнларнинг корреляцион-функционал заминлари, субстанционал асослари ҳамда тарихий уларнинг ўзаро муносабатларига доир илмий-амалий қарашлардан фойдаланиш зарурати фалсафий нуқтаи-назардан асосланган.

Илмий адабиётларда билиш назарияси масалаларида «билиш» ёки «илмий билиш», «ижтимоий билиш» ёки «ижтимоий-тарихий билиш», «жамиятни яхлитликда таҳлил этиш», «тарихий жараёнларнинг таҳлили», «қадриятли ёндашиш» каби терминлардан фойдаланилганлигини кўрамыз.¹ Шунингдек, ҳар бир фан назариялар тизимида ўзига хос билиш экан, уларга оид дарслик, ўқув кўлланмаларида ўзига хос билиш, масалан, «ҳуқуқий билиш», «тарихий билиш», «бадий билиш», «табиий-илмий билиш» каби турлари мавжудликларини кўрамыз.

Фалсафанинг бош масаласининг қандай талқин қилинишига қараб, фалсафа тарихида материализм ва идеализм, агностицизм каби оқимлар келиб чиққан. Натижада ижтимоий ҳодисалар ва улар тарихини тушунтиришда ҳам маънавият ёки моддийликнинг ролини муболағалаштириш ёки унга етарли аҳамият бермаслик йўналишлари юз

¹ Қаранг: Фалсафа: Ўқув кўлланма. / Э.Ю.Юсуповнинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Шарқ», 1999. – 494 б.; Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: «Маънавият», 2008.; Назаров Қ. Билиш фалсафаси. – Т.: «Университет», 2005. – 338 б.; Ракитов А.И. Историческое познание (системно-гносеологический подход). – М.: «Политиздат», 1992.; Шермухаммедова Н.А. Гносеология. – Т.: ЎФТЖ, 2007. – 380 б. ва бошқалар.

берди-ки, бу жамият тарихини бир бутун яхлит тизим ҳолида, ундаги ички жараёнларни билишга ҳам халақит берар эди. «Ватан тарихшунослигида, – деб ёзади В.Н.Сиров, – қабул қилинган бешта ижтимоий-иқтисодий формация назарияси кўплаб фактларни, хусусан, Европа бўлмаган жамиятлар тарихида, қоникарли тушунтириш ҳолатини бермайди»¹. Шунинг учун В.Н.Сиров қадриятлиликка олиб борувчи билимларни инсонпарварлаштириш тамойилини илгари суради. Мазкур ёндашиш, яъни жамият тарихига, унинг яхлитлиги ва жараёнларига қадриятли ёндашишни Н.Жўраев қуйидагича тушунтиради: «Инсоннинг реал ва яхлит тарихи бу бевосита бир неча минг йиллар давомида шаклланган мамлакатлар, халқлар, миллатлар ва давлатлар тарихини қамраб олади. Инсоният тарихининг серқирралиги, мураккаблиги, унга баҳо беришнинг нисбийлиги ҳам, чекланганлиги ҳам худди ана шунда. Одамлар тафаккуридаги маълум бир ижтимоий-тарихий воқелик ҳақидаги тасаввурлар ҳеч қачон мутлақ ҳақиқат эмаслигини назарда тутсак, бу ўз-ўзидан инсон, жамият, жараён орқали кишилик тарихига доир хулосаларимиз ҳам чекланганлигини яққол сезамиз. Ҳар бир халқ, мамлакат тарихи – алоҳида ва улкан воқелик. Айни пайтда ана шу тарих ўша халқ учун такрорланмас ва ноёб қадриятдир. Инсоният тарихи эса қадриятлар яхлитлиги ҳисобланади.»² Шунинг учун А.Жалолов шундай деб ёзади: «...асосий мақсад фалсафани осмонийлик, ҳаётдан ажралганлик, сохта мавҳумийлик майлларидан халос этиш, уни ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини инсонийлик негизда кўришнинг муҳим назарий-услубий, маънавий йўналтирувчилик омилига айлантиришдир»³.

Ижтимоий-тарихий билиш бу фалсафий тадқиқотнинг ўзига хос принципи бўлиб, унинг ривожланиши факт ва ҳодисаларнинг ўзгариши билан боғлиқ. Инсоният жамияти табиатнинг бир қисми сифатида, ўзининг ривожланиш қонуниятлари билан намоён бўлди. Тарихий жараёнларнинг корреляцион-функционал заминлари бошқа ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда, фактлар ва ҳодисаларни уларнинг шаклланиши, ўзгариши ва янги сифатга ўтиш жараёнида ўрганишни ўз ичига қамраб олади. Яъни ижтимоий-тарихий билишга қўйилган талаб турли даражадаги ҳодисалар, жараёнларни ўзаро боғлиқликда, аниқ бир даврда рўй беришини акс эттиришдан иборатдир. Бундан дастлаб мувофиқлик принципи устувор аҳамият касб этади. Чунки ҳар қандай тарихий ҳодисани вақт ва маконда умумийроқ бир қисм сифатида тушуниш ва тушунтириш мумкин. Тизимлилик принципи тадқиқотчини ўрганилаётган объектнинг яхлитлигини очиб беришга, унинг фаолият механизмини аниқлайдиган муносабатлар ва функцияларнинг барча таркибий қисмларини ягона тизимга келтиради. Ушбу принцип фактлар умумийлигини ягона тизимда, яхлит аниқликда таҳлил қилишни ўз ичига олади. Тарихий ривожланишда жамият доимий равишда ўзгариб турадиган турли хил боғланишлар билан ўта мураккаб ўзини ўзи тартибга солувчи

¹ Сиров В.Н. Способы концептуализации всемирной истории и их эволюция. Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Томск: 1989. – Б.13-14.

² Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б.191-192.

³ Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б.251.

тизим сифатида қарашга имкон яратади. Аммо шу билан бирга ижтимоий-тарихий билиш жараёни маълум бир тузилишга эга яхлит тизим сифатида намоён бўлади. Гуманитар фанлардаги фактлар ва ҳодисаларни таҳлил қилганда, изчиллик принципи етакчи ўринлардан бирини эгаллайди, чунки ижтимоий фанлардаги қонунларни билиш мураккаб, сиёсийлаштирилган ва табиий фанлар каби табиатни билишдан кўра қийинроқ кечади.

Тарихий жараёнларни билишда объективлик принципи ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Чунки ҳар қандай тарихий билимнинг асосий мақсади ўтмиш ҳақида ишончли, аниқ маълумотга эга бўлишдир. Акс ҳолда, тарих фан сифатида ўз аҳамиятини йўқотади. Холислик етарли даражада ўрганилаётган ҳодиса ёки объект ҳақида ғояларга эришиш зарурлигини англатади. Илмийлик холислик объективликни англатади. Объективлик инсон онгидан қатъи назар, у ўзи томонидан мавжуд тадқиқот объектини кўпайтиришга уриниш демакдир. Табиий фанларда бунга эришиш мумкин, чунки тажриба мавжуд бўлиб, унинг ҳақиқати (объективлиги) амалда тасдиқланади. Аммо гуманитар фанлар, шу жумладан, тарих ҳақида нима дейиш мумкин? Тарихий билиш жараёни объектив натижалар бериши мумкин. Бунинг имкониятини қуйидаги бир қатор омиллар беради: 1. Тадқиқотчидан мустақил равишда мавжуд бўлган тарихий манбаларнинг мавжудлиги. 2. Тадқиқотчининг ва умуман жамиятнинг тарих ҳақида ишончли маълумот олишга қизиқиши. 3. Тарихий фан томонидан эришилган, унинг арсеналида тўпланган, текширилган ва асосланган билимларга эга бўлган, илмий жамоатчилик томонидан тан олинган қиймат тизимининг мавжудлиги ва бошқалар шулар жумласидандир.

Тарихдаги илмий ёндашувнинг объективлигига махсус ташкил этилган тадқиқот жараёни эришади. Чунки аввало ўрганилаётган объектни ҳар томонлама ёритиш, ҳар бир ҳодисанинг ҳар томонлама ва номувофиқлигини кўриб чиқиш, барча фактларни (ижобий ва салбий) аниқлаш ва ўрганиш, биз уларга ёқадими ёки йўқми, мавжуд фикрни тасдиқлаймиз ёки қарши чиқамиз. Тадқиқот олиб бориш жараёнида мафкуравий ёки сиёсий таъсирларни онгли равишда рад этиш тарихий билишдаги объективликни таъминлайди. Ушбу фикрларни ҳисобга олиш ўтмиш ҳақида объектив билимларни олиш учун имконият яратади. Ўтмиш имиджида объективликка эришишнинг кафолати бу олимнинг юқори профессионал даражада фаолият юритиши, илмий ҳалоллик, ҳақиқатга тик қараши билан характерланади. Ижтимоий-тарихий билишда объективлик тамойилига риоя қилиш тарихий асарнинг илмий изчиллиги, илмий ҳамжамият томонидан тан олиншининг шартидир, объектив бўлиш мажбурияти тарихчининг барча фаолияти манбаларни тўплашдан назарий умумлаштиришгача бўлган барча ҳаракатларини ўз ичига қамраб олади.

Тарихий жараёнда тарихчи-тадқиқотчини нафақат умумий ва махсус, балки ўтмишда юзага келган маълум бир ҳодисани баҳолаш ҳам қизиқтиради. Шунинг учун қадриятли ёндашув объектив равишда мавжуд бўлиб, ўрганилаётган объект ҳақида икки хил маълумотни олиш заруратидан келиб чиқади: илмий ва қийматга кўра. Тарихшуносликда қадриятли

ёндошув муаммоси немис тарихчилари томонидан XIX аср охири ва XX аср бошларида ишлаб чиқилган. Уларнинг таъкидлашича, дунё тарихида инсоният ҳаётининг сўзсиз энг муҳим қадриятларини ташкил этувчи маълум умумэтироф этилган маданий ютуқлар мавжуд. Шу боисдан ҳам ўтмишдаги барча далиллар ва хатти-ҳаракатлар уларни бундай ютуқлар билан таққослаш орқали баҳолаши мумкин ва шунга асосланиб, қадрият билан боғлиқ хулоса чиқаришга ундайди. Улар орасида дин, давлат, қонун, ахлоқ, санъат, фан қадриятлари устувор аҳамият касб этади.

Ижтимоий-тарихий яхлитлик ва унга хос жараёнларни билиш, аввало, ижтимоий–фалсафий масаладир, фалсафий адабиётлардаги «Жамият фалсафаси» мавзусидир. Ижтимоий фалсафадаги «Жамият тизим сифатида», «Тарихий жараён: йирик ҳажмдаги бўлинишлар муаммоси» ва «Ижтимоий тараққиёт» масалаларидир. Ижтимоий-тарихий яхлитлик ва унга хос жараёнларни билиш ижтимоий-фалсафий ва тарихий билимлар интеграциясининг натижасидир. Ҳақиқатдан ҳам, ижтимоий-фалсафий билишда жамиятни бир бутун тизим ва ўзгарувчан жараён сифатида таҳлил қилиш тарихий билишсиз юз бермайди. Тарихий билиш ҳам ижтимоий фалсафий билишни дастуриламал сифатида тақозо этади. «Инсон ақли, – деб ёзади Б.Л.Губман – тарихнинг яхлитлигини тушунишга қодирми? Унинг бирлиги ва хилма-хиллигининг асоси нимада? Унинг йўналганлиги ва гуманистик мазмуни қандай? Кимки жаҳон – тарихий жараённинг маъносини излашга ҳаракат қилар экан, ҳар кимнинг олдида ушбу саволларга жавоб бериш туради».¹ Тарихий жараёнлар тизимида ижтимоий-тарихий яхлитлик, яъни жамиятнинг муайян даврлар ичида бир бутунлигининг назарий моделини ҳосил қилиш, ҳатто муайян давр ичида бўлсин, ижтимоий–фалсафий масаладир. «XX асрда, – деб қайд қилади В.Ф.Шаповалов, – инсоният энг бузғун урушлар, шафқатсиз диктатура, геноцид, кишиларнинг оммавий қашшоқлашиши ва ҳоказоларнинг қатнашчиси ва гувоҳи бўлди. Тарихий жараённинг яхлитлиги (бузилмаслиги)нинг ўзи фавқулодда жиддий масала бўлиб қолди».² Аммо бу илмий жараён тарих фани ютуқларини умумлаштирмасдан юз бермайди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Тарихий жараёнларнинг табиий асослари ва цивилизацияларда намоён бўлиши”** деб номланган. Унда тарихий жараёнларнинг табиий асослари, цивилизациялар тарихий жараёнларнинг намоён бўлиш шакллари эканлигини аниқлашга доир муҳим шарт-шароитлар, Мустақил мамлакат – Ўзбекистон цивилизация сифатида тараққиёт тенденциялари таҳлил қилинган.

Табиат – борлиқнинг асосий таркибий қисми. Борлиқ онто ҳолатига кўра моддий ва руҳий борлиқларга бўлинади. Борлиқнинг моддий шакли бўлган моддий борлиқ материя тушунчаси орқали ифодаланади. Материя инсон онгига нисбатан ишлатилиб, ундан ташқаридаги моддийликни ифодалайди. Материянинг инсон онгига нисбатан объектив реаллиги тушунчаси, яъни

¹ Губман Б.Л. Смысл истории: Очерки современных западных концепций. – М.: «Наука», 1991. – С.13.

² Шаповалов В.Ф. Основы философии. От классики к современности. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2001. – С.496.

мавжудлиги худди шу қиёсий таҳлилдан келиб чиққан. Борлиқнинг объектив реаллик тушунчасига нисбатан ишлатиладиган субъектив реаллик тушунчаси эса инсон онги ва унга боғлиқ жараёнларни ифодалаш учун ишлатилади. Илмий адабиётларда таъкидланганидек, инсон онги юксак даражада ташкил топган материя, яъни инсон миясининг хоссасидир. Демак, борлиқ моддий ва рухий борлиқларга, объектив ва субъектив борлиқ – реалликларга бўлинади. Борлиқ кўлами жиҳатидан табиий борлиқ (яъни табиат) ва ижтимоий борлиқ (жамият)ларга бўлинади.

Илмий адабиётларда «табиат», «табиий борлиқ» тушунчаси умумий, хусусий ва алоҳидалик кўринишларида, яъни кенг ва тор маъноларда ишлатилади. «Табиат», яъни «табиий борлиқ» тушунчаси кенг маънода «объектив реаллик» тушунчалари билан айнанлаштирилиб ишлатиб келинмоқда. У хусусийлик кўринишида, яъни «объектив реаллик» тушунчасига нисбатан алоҳида тор маънода, яъни жамиятга нисбатан табиат маъносида ҳам ишлатилади. Бунда «табиат», яъни «табиий борлиқ» тушунчаси айни вақтда «географик муҳит» тушунчасига нисбатан кенг маънода ишлатилади. «Табиат», яъни «табиий борлиқ» тушунчаси алоҳида, яъни тор маънода «географик муҳит»ни ўзида акс эттиради. Табиат, яъни табиий борлиқ хусусийлик, яъни кенг маънода табиий-моддий борлиқ ва табиий-рухий борлиқлардан иборат. Табиий-моддий борлиқ анорганик табиат ва органик табиатдан ташкил топган. Органик табиат – биосфера одам танасини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Ижтимоий борлиқ борлиқнинг кўлам жиҳатидан бир кўриниши сифатида ўзида объектив реаллик (борлиқ)нинг уйғунлашуви сифатида намоён бўлади. Чунки ижтимоий борлиқ ҳам ўз навбатида ижтимоий-моддий борлиқ (яъни жамиятнинг моддий томонлари, жумладан, моддий ҳаёти) ва ижтимоий-рухий борлиқ, жумладан, унинг асосий қисми – инсон онгидан ташкил топган. Ижтимоий-моддий борлиқ эса объектив борлиқ сифатида инсон онги – субъектив реалликсиз таркиб топмайди. Чунки ижтимоий-моддий борлиқнинг ўзаги моддий маданият борлиқнинг инсон томонидан ишлов бериб яратилган қисмидир. Ижтимоий-моддий борлиқ табиий-моддий борлиқнинг инсонлар томонидан ўзгартирилган қисми ва тарихий давомидир. Ижтимоий-рухий борлиқ, жумладан, инсон онги ҳам табиий-рухий борлиқ заминида тарихан ривожланиб, янги сифат босқичида юзага келган ҳодисадир. Шунинг учун фалсафий-онтологик аспектда олганимизда ҳам табиат, яъни табиий борлиқ жамият ва унинг сифатий кўринишлари – ижтимоий-тарихий яхлитлик ва унга хос жараёнларнинг табиий замини ҳисобланади. Мазкур табиий заминда юз берадиган ўзгаришлар мамлакатлар кўринишидаги ижтимоий-тарихий яхлитлик ва унга хос жараёнларга кучли ёки кучсиз, ижобий ёки салбий таъсир этади. Демак, ижтимоий борлиқ ижтимоий- тарихий яхлитлик бир бутун жамият сифатида борлиқнинг умумий алоқадорлик тизими силсиласида юзага келган, янги сифатига эга бўлган борлиқ бўлиб, унинг заминида табиий борлиқнинг такомиллашиши ётади.

